

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси



# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

---

# Ў‘ЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЙОТИ

**6 / 2019**



ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЙОТИ  
ВА ФOLKLORI INSTITUTI  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ  
ВА ФOLKLORI ИНСТИТУТИ

# Ўзбек тили ва адабиёти

## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

6  
2019

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти ва  
фольклори институти

Тошкент – 2019

Бош муҳаррир:  
Низомиддин МАҲМУДОВ

Тахрир ҳайъати:  
Раҳматулла БАРАКАЕВ,  
Маматкул ЖЎРАЕВ (бош муҳаррир  
ўринбосари),  
Наим КАРИМОВ,  
Баҳодир КАРИМОВ,  
Шухрат КЎЧИМОВ,  
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ (бош  
муҳаррир ўринбосари),  
Тўра МИРЗАЕВ,  
Бахтиёр НАЗАРОВ (бош муҳаррир  
ўринбосари),  
Эргаш ОЧИЛОВ (масъул котиб),  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,  
Боқижон ТЎХЛИЕВ,  
Шоира УСМОНОВА,  
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА,  
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,  
Улугбек ҲАМДАМОВ,  
Саидбек ҲАСАНОВ,  
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

## CONTENT

### 160<sup>th</sup> anniversary of Furkat's birth

I.Hakkul. Furkat is a dream and parting poet .....	3
N.Jabbar. Furkat and Uzbek national renaissance literature.....	8
E.Achilov. Navoi traditions in Furkat creative works.....	13
B.Rajabova. Pulatjan Kayumov about Furkat.....	17
Z.Kabilova. Tatabbu of Furkat to Amiri gazells .....	21
S.Utanova. Color and mood images in Furkat poetry .....	24

### Linguistics

Sh.Kuchimov, G.Gulomova. Development of international relations and national languages .....	27
A.Allaberdiev. Arabic lexical layer in Bukhara oguz dialects .....	31

### Literature studies

N.Karimov. "Chagatay society" .....	36
A.Jurabaev. Amir Umarhon and Kokand literary environment.....	45
D.Zahidova. The poetics of novel "Ozod" by Isajon Sultan .....	51

### Scientific information

H.Hamidov. Turkish translation of "Adolat manzili" .....	57
D.Muhiddinova. A comparative compilation of modern Uzbek and Arabic Stories ..	60
M.Shaniyazov. Poems in tarih genre in Kokand literary environment .....	65
U.Rasulova. Structure-semiotic peculiarities of modern stories .....	68
N.Tursunova. Magic ceremony in Uzbek drama .....	70
J.Askarova. Creativity and repertoire of fairy tales .....	73
A.Khalmuradova. Magical numerals in fairy tales .....	76
A.Turdiyev. Common symbols in oral and written literature .....	79
H.Khudaymuradova. Skill of style and description .....	81
G.Ernazarova. "Meditative lyrics" and its studies .....	83
N.Uluqov, K.Hamidova. About hydronym <i>Sirdaryo</i> .....	87
M.Abdiev, E.Boymatov. Regarding to tourism terminology .....	90
B.Umurkulov. Meanings of text and word .....	93
S.Narmamatov. First terminological dictionary in Uzbek lexicography .....	96
G.Ganieva. Modal words and pragmatic assessment .....	100
N.Khadjimusaeva. Epithets in "Arzygul" poem .....	103
N.Kudratkhujaeva. Problem of lexical mean structure in Uzbek language .....	105
H.Artikova. Associative structure of literary text .....	108
A.Tukhtasinova. About interrelation of neologism and occasionalism .....	111
I.Ernazarova. Repitition art in creature of Halima Khudayberdieva .....	113
V.Karimova. Some linguistic peculiarities of kinship terms .....	116

### Doers of Science

N.Karimov. When was born Sufizada? .....	119
Y.Adilov, R.Shukurov, I.Habibjanov. Hardworking scientist .....	123

### Scientific life

160th anniversary of Furkat's birth .....	126
<u>Miraziz Mirtojiev</u> .....	126
<u>Sara Atamirzaeva</u> .....	129
<u>Saidbek Hasanov</u> .....	131

МЧЖ "ИРАК Ю'ЛИ POLIGRAF" босмахонасида чоп этилди. Буюртма №17.

Манзила: 100170, Тошкент. Авайхон кўчаси, 98А-уй.

Қоғоз бичими 70x108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма.

Офсет қоғози. Агло Рго гарнигураси.

Шартлаи-босма т. 8,5. Тиражи 500 нусха. Келишилган нархаа

**Key words and word expressions:** socio-linguistic term, lexicographical principle terminological system, terminological dictionary, equivalent, political-economic terminology russian-international terminology, genealogical content, semantic expression.

Гулчехра ГАНИЕВА

## МОДАЛ СЎЗЛАР ВА ПРАГМАТИК БАҲО

Модал сўзларнинг сўзловчи муносабатини акс эттириши уларнинг прагмалингвистиканинг таҳлил объекти эканлигидан далолат беради. Шунингдек, модал сўзларнинг диалогик нутқда гапнинг тушириш қолдирилган кесими грамматик вазифасини адо этишни ўз зиммасига олиши ва бунинг натижасида нутқ вазияти билан боғлиқ ҳолда пропозицияни ифодалаш нафақат семантик-синтактик, балки прагмалингвистик аспекти ҳам оид муаммо саналади. Бу жиҳатдан модал сўзларнинг прагматик вазифаси доирасини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Модал сўзлар нутқ эгасининг баҳо муносабатини ифода этиб прагматик вазифа бажаради.
2. Модал сўзлар эмплисига учраган гап ёки унинг кесими сигнализатори вазифасини адо этганда прагматик вазифа бажаради.
3. Модал сўзлар пресуппозиция сигнализатори вазифасида қўлланганда прагматик вазифа бажаради.

Модал сўзлар муносабатни ифодоловчи сўзлар бўлгани боис нутқ эгаси кўпинча бу сўзлар орқали воқеликка салбий ёки ижобий баҳосини ҳам ифода этади. Бундай вазиятда модал сўзлар прагмалингвистиканинг текшириш объекти ҳисобланади. Олима Е.Е.Кордининг фикрича, узатилаётган ахборотнинг ҳақиқийлигига сўзловчининг ишончини белгиловчи баҳонинг ифода воситаларидан бири модал сўзлардир.<sup>1</sup> Бироқ модал сўзлар нафақат сўзловчининг ишончи, балки гумони, таажуби кабиларни ҳам ифодалайди. С.Боймирзаева ҳам ахборотнинг ишончли ёки ишончсизлигини акс эттирувчи эпистемик модалликнинг ифода воситалари қаторига перформативлар билан бирга модал сўзларни ҳам киритади. Унинг фикрича, модал сўзлар ҳам ҳудди перформативлар каби ахборотнинг ишонччилик даражасини белгилаш воситаси, аммо уларнинг таркибида баҳо субъекти ўз ифодасини топмайди<sup>2</sup>.

Модал сўзлар нутқ эгасининг прагматик мақсади талаби билан унинг воқеликка нисбатан салбий ёки ижобий баҳосини ҳам акс эттириши жиҳатидан аҳамиятга эга. Модал сўзлар орқали ифодаланган баҳо нутқ эгасининг воқеликка берган баҳоси саналади. С.Боймирзаеванинг қайда этишича, “баҳо объектнинг аҳамиятли томони, қийматини белгилаш фаолияти жараёнидир. Ушбу жараён субъект томонидан бажарилиб, унинг асосида маълум бир намуна ётади ҳамда объектга шу намуна доирасида ижобий ёки салбий сифат – баҳо берилади”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> К о р д и н Е.Е. Модальные и каузативные глаголы в современном французском языке. Л.: Наука, 1988. С. 13.

<sup>2</sup> Б о й м и р з а е в а С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: АА. Тошкент, 2010. 157-бет.

<sup>3</sup> Б о й м и р з а е в а С. Баҳо фаолияти ва унинг матнда ифодаланиши // Хогийу filologiya. 2008, 2-сон, 10-21-бетлар.

Дарҳақиқат, модал сўзлар субъектив муносабатни ифодалайди. Аммо модал сўзлар орқали ифодаланган муносабат ва нутқ эгаси томонидан воқеликка нисбатан билдирилган баҳо ўзаро фарқланади. Модал сўзлар нутқ эгасининг салбий ёки ижобий баҳосини ифода этишга йўналтирилганда прагматик қийматга эга бўлади. Т.Муроднинг “От кишнаган оқшом” қиссасидан олинган қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

1. – *Хўш, нима бўпти? Маълум гап-ку! Албатта, отга сув беради-да, бўлмаса бензин берармиди?*

2. – *Албатта, раҳбарларга ишонаман. Раҳбарлар ёлгон гапирмайди.* Биринчи гапнинг умумий мазмуни орқали нутқ эгасининг айтилган фикрга салбий баҳоси англашилади. Матн билан боғлиқ ҳолда *албатта* модал сўзи ҳам салбий муносабатни юзага чиқаришга хизмат қилади.

Кейинги гапнинг умумий мазмуни орқали нутқ эгасининг ижобий баҳоси англашилади. Бу ўринда *албатта* модал сўзи ҳам ижобий муносабатни ифода этишга қаратилади. Контекстсиз *албатта* модал сўзининг субъектив баҳо ифодасидаги ўрни сезилмайди.

Демак, модал сўзлар орқали ифодаланган салбий ёки ижобий баҳо нутқ вазияти ёки контекстсиз англашилмайди. Нутқ вазияти, контекстсиз модал сўзларга юklangан бундай субъектив баҳони англаш қийинлашади.

Инглаиз ва рус тилларида ҳам модал сўзларга нутқ эгасининг воқеликка салбий ёки ижобий муносабатини акс эттириш вазифаси юklangанда улар прагматик аҳамиятли birlikка айланади.

Инглаиз тилшунослигида модал сўзларга *certainly, of course, surely, really, perhaps, maybe, probably, possibly, fortunately, unfortunately, luckily, unlikely* каби модал муносабатларни ифодаловчи birlikлар киритилади. Ушбу модал сўзлар ишонч, ишончсизлик, тахмин, хоҳиш каби грамматик маъноларни ифодалайди. Масалан, “*Certainly, you cannot interfere*” (*Албатта, аралашувингиз шарт эмас*) гапида қўлланган *certainly* модал сўзи нутқ эгасининг воқеликка нисбатан субъектив муносабати – ишончини акс эттирган. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

1. *Perhaps, you are right* (*Балки, ҳақдирсиз*).

2. *Unfortunately, the weather was bad* (*Афсуски, ҳаво ёмон эди*).

3. *I really, don't know what's to be done* (*Мен, ҳақиқатан, нима қилишни билмадим*).

4. *Maybe, Mary is ill* (*Эҳтимол, Мери касалдир*).

5. *No doubt, he will come later* (*Аминманки, у кечроқ келади*).

6. *Of course, I understand it* (*Албатта, тушунаман*).

Шуниси характерлики, модал сўзлар орқали ифодаланган субъектив муносабат нафақат нутқ эгасига, нутқий мулоқотнинг бошқа иштирокчиларига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Масалан:

– *Шундай қилиб, Донохонга ҳамла қилган сариқ Дев билан олишсам майлими? – сўрайман қалпоқчамдан.*

– *Олиш, албатта, олиш.*

– *Ёрдам берасанми?*

– *Берганда қандоқ.* (Х.Тўхтабоев, “Сариқ девни миниб”)

Ушбу парчада қўлланган *албатта* модал сўзи реципиентнинг сўзловчи фикрига бўлган ижобий муносабатини акс эттирган. Реципиент, яъни

“сеҳрли қалпоқча” боланинг Доноҳонга ҳамла қилган дев билан олипувчининг шунчаки маъқуллаш билан чегараланмай, бу олишувга ижобий маънода хайрихоҳ эканлигини билдиради. Матнда акс этган бу турағи муносабат кейинги диалогик қаторларда янада ёрқин акс этган.

Айрим модал сўзлар орқали нутқ эгасининг воқеликка нисбатан эмоционал баҳоси ифодаланган. Масалан:

1. Но на данном мероприятии никто так не делал, и мы с подружкой, конечно, тоже.

2. В этом году, наверно, увидю снег только в морозилке.

3. Может быть, у него получилось бы создать свой театр.

4. Она посмотрела на оставшиеся в банке молоко – действительно, оно прокисло.

5. Должно быть, это было нелегко – отказаться от всего ради счастья семьи.

6. Само собой, мне не хотелось выходить на улицу по такой погоде.

Хуллас, ўзбек, инглиз, рус тилларида модал сўзлар турли ифода бирликларига эга бўлса-да, субъектив муносабат билан боғлиқ модал маъноларни ифодалашига кўра умумийликка эга. Уларга нутқ эгасининг воқеликка салбий ёки ижобий баҳосини ҳам ифодалаш вазифаси юкланганда прагматик вазифа бажаради.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада модал сўзларнинг муносабати ифодаловчи сўзлар бўлгани боис нутқ эгаси кўпинча бу сўзлар орқали воқеликка салбий ёки ижобий баҳосини ҳам ифода этиши, узатилаётган ахборотнинг ҳақиқийлигига сўзловчининг ишончини белгиловчи баҳонинг ифода воситаларидан бири модал сўзлар эканлиги ва бундай вазиятда модал сўзлар прагматиклигининг текшириш объекти ҳисобланиши, ифодаланган баҳо нутқ эгасининг воқеликка берган баҳоси саналиши ёритилган.

**РЕЗЮМЕ.** В настоящей статье обосновано, что с помощью модальных слов коммуникант выражает положительное или отрицательное отношение к действительности, что обусловлено выражением модального отношения модальными словами. Доказано, что модальные слова средством выражения оценки, определяющей убеждение говорящего к достоверности передаваемой информации, модальные слова определены как объект исследования прагмативистики, а выраженная оценка является оценкой действительности, данная субъектом речи.

**RESUME.** The article is devoted to the communicative-pragmatic functions of the modal words marking the modality of categorical certainty in the language. The semantic feature of modal words is to express the subjective attitude of communicants to certainty of the exchanged information. In spite of the fact that the main pragmatic function of modal words is to persuade the interlocutor that the information, he is receiving, is certain, during this research some specific pragmatic functions, which help modal words to achieve necessary perlocutionary effect, were revealed.

**Таянч сўз ва иборалар:** модал сўзлар, ижобий баҳо, салбий баҳо, субъектив муносабат, прагмативистика.

**Ключевые слова и выражения:** модальные слова, положительная оценка, отрицательная оценка, субъективное отношение, прагмативистика.

**Key words and word expressions:** modal word, positive assessment, negative assessment, subjective attitude, pragmalinguistics.